

УДК: 657.1

Худайназарова Дилноза Гафуровна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси
ORCID: 0009-0001-1083-2762

ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мазкур илмий мақолада фармацевтика корхоналари фаолияти тадқиқ этилган ҳолда илмий хулосалар шаклланган. Ушбу илмий хулосалар асосида фармацевтика маҳсулотлари таннархини аниқлашнинг зарурияти асосланган. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда фармацевтика корхоналарида тайёр маҳсулотларнинг таннархини аниқлашнинг илмий-амалий масалалари тадқиқ этилган. Фармацевтика корхоналарида харажатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш мақсадида тайёр маҳсулотлар таннархини ахборот фойдаланувчиларига яққол кўрсатиб берувчи ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: фармацевтика корхоналари, бухгалтерия ҳисоби, бизнес жараёнлари, тайёр маҳсулот, тайёр маҳсулот таннархи, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни, харажатлар бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЦЕН НА ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЕ ПРЕПАРАТЫ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Худайназарова Дилноза Гафуровна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. В данной научной статье на основе исследования деятельности фармацевтических предприятий были сделаны научные выводы. На основе этих выводов возникла необходимость определения себестоимости фармацевтической продукции. Исходя из этой необходимости, были исследованы научно-практические вопросы определения себестоимости готовой продукции на фармацевтических предприятиях. Для совершенствования учета затрат и отчетности на фармацевтических предприятиях необходимо разработать формы отчетности, которые бы наглядно демонстрировали себестоимость готовой продукции пользователям информации.

Ключевые слова: фармацевтические компании, бухгалтерский учет, бизнес-процессы, готовая продукция, калькуляция себестоимости готовой продукции, процесс поставок, производственный процесс, учет затрат, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности.

SCIENTIFIC-PRACTICAL ISSUES OF PHARMACEUTICAL PRICE DETERMINATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Abstract. In this scientific article, scientific conclusions were formed by researching the activities of pharmaceutical enterprises. The need to determine the cost of pharmaceutical products is based on these scientific conclusions. Based on this necessity, the scientific and practical issues of determining the cost of finished products in pharmaceutical enterprises have been researched.

In order to improve cost accounting and reporting in pharmaceutical enterprises, there is a need to develop reporting forms that clearly show the cost of finished products to information users.

Keywords: pharmaceutical companies, accounting, business processes, finished product, finished product costing, supply process, production process, cost accounting, financial reporting, international standards of financial reporting.

Кириш. Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги тизимини жорий этиш, бошқарув механизмнинг замонавий усуллари қўллаш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро тажрибалар асосида ижобий ўзгаришларни таъминлаш ҳамда корхоналарнинг даромад ва фойда кўрсаткичларини оширишни тақозо этмоқда. Бу борада, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 27 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги Фармонида “Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, шунингдек йиллик даромади 1 триллион сўмдан ошган, 5 мингдан ортиқ иш ўринларини яратган ҳамда камида 100 миллиард сўм солиқ тўлаётган етакчи тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантирган ҳолда улар масалалари билан манзилли ишлашни ташкил қилиш ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларини ушбу тоифага олиб чиқиш учун шарт-шароитлар яратиш” каби устувор вазифалар қўйилган. Ушбу белгиланган вазифалардан кўрилган асосий мақсад мамлакат миллий иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини барқарорлаштириш, ушбу йўлда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш, рақобат муҳитини барпо этиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу масалалар эса, бухгалтерия ҳисоби олдида даромад ва харажатларни тўғри бошқариш, корхоналар хусусиятларидан келиб чиқиб харажатлар бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва халқаро тажрибаларга мувофиқлаштириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб беради.

Адабиётлар шарҳи. 2-сон “Захиралар” (IAS) БҲХСда маҳсулот таннархи устама харажатларидан ташкил топиши қайд этилган: “доимий ишлаб чиқариш устама сарфларининг қайта ишлаш таннархига олиб борилиши ишлаб чиқаришнинг меъёрий қуввати асосида белгиланади. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама сарфлари ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқатда фойдаланиш асосида ҳар бир маҳсулот таннархига олиб борилади”².

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам диққатга молик ишлар амалга оширилган бўлиб, Б.Ю.Менгликулов томонидан сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини пропорционал усул орқали ҳисоблашнинг услубий тартиблари ишлаб чиқилган бўлиб, олим “сут чорвачилигида таннарх калькуляциясининг у ёки бу усулини танлаш масаласи ҳар бир корхонада мустақил равишда қабул қилинган ишлаб чиқариш ҳисоби модели, қабул қилинган ҳисоб сиёсати, ривожланишнинг ишлаб-чиқариш-молиявий стратегияси, шунингдек стратегик мақсадга - чорвачиликнинг ушбу қуйи тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш учун чорвачиликни бошқариш тизимининг олдига қўйилган оператив, жорий ва тактик вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши лозим”³, деган фикрни илгари суради.

Н.Абдусаломова томонидан қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш ва маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилишга оид олиб борилган илмий-изланишларида қуйидаги фикрларни келтириб ўтган: “Қора металлургия

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2024 йил 27 декабрь. ПФ-229.

² 2-сон БҲХС “Захиралар”

³ Менгликулов Б.Ю. Сут чорвачилигида маҳсулот таннархини калькуляция қилишга услубий ёндашувлар // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. 20-27-бетлар.

саноати корхонасида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқаришда муайян маҳсулот турлари бўйича гуруҳлаган ҳолда ўртача таннарх бўйича ҳисобга олинади”¹.

А.Н.Махмудов саноат корхоналари мисолида тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришга оид илмий тавсиялар ишлаб чиққан бўлиб, “саноат корхоналарида харажатларни тўғри ҳисобга олиш ва уларни жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда харажатларни маҳсулот таннархига бевосита ва билвосита харажатлар тартибида тақсимлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш ҳам муҳимдир”², деб таъкидлайди.

С.Джуманов томонидан бажарилган илмий ишда корхоналарда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлашга оид усуллар тадқиқ этилган бўлиб, қуйидаги хулосаларини келтиради: “хўжалик юритувчи субъектлар асосан тўлиқ таннарх усули қўлланилади. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг ҳар бир усулининг ўзининг афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Тўлиқ таннарх усули хўжалик юритувчи субъектларга маҳсулотнинг умумий таннархини аниқлаш ва молиявий ҳисоботда барча харажатларни қамраб олиш имкониятини беради. Лекин, бу усулда маҳсулот турлари бўйича рентабелликни аниқлашда айрим чекловлар мавжуд”³.

Шунингдек, бошқа хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан М.А.Вахрушина, Т.А.Головина, В.Б.Ивашкевич, И.Г.Кондраков, М.Ю.Медведев каби олимлар томонидан корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархи, уларни ҳисоблаш тартибига доир таъриф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот таннархини аниқлашга қаратилган диққатга молик ишлар амалга оширилган бўлиб, улар жумласига К.Б.Уразов, А.А.Каримов, А.И.Аликулов, С.Н.Ташназаров, М.Э.Пўлатов, М.Ж.Темирханова, Б.Ф.Боронов, М.Ш.Маматкулов, Ф.З.Юсупова, А.Ф.Мустафоев каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини мисол келтириш мумкин. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда турли тармоқ корхоналарида тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоб-китоб қилишнинг илмий-амалий ва назарий-услубий жиҳатлари бўйича жуда кўп илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, бир қанча аҳамиятга молик бўлган натижаларга эришилган.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари ва илмий хулосалар натижасида фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлашга оид илмий изланишлар олиб борилди.

Тадқиқот методологияси.

Фармацевтика маҳсулотлари таннархини аниқлашнинг илмий-амалий масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Фармацевтика корхоналарида олиб борилган илмий-изланишлар натижаси ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича бажарилган ҳисоб-китоблар асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келинди:

Биринчидан. Корхонада ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари таннархи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фармацевтика маҳсулотлари таннархи таркибида харажатларнинг улуши турлича бўлиб, материал харажатлари маҳсулот таннархининг энг катта қисмини – ўртача 50-55 % улушини ташкил этмоқда. Иш ҳақи харажатлари ҳам корхона харажатлари таркибида салмоқли ҳиссани ташкил этиб, ушбу харажатлар ҳам

¹ Абдусаломова Н. Б. Қора металлургия саноати корхоналарида маҳсулот таннархини калькуляция қилишни такомиллаштириш йўналишлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, март-апрель, 2019 йил. 1-8-бетлар.

² Махмудов А.Н. Саноат корхоналарида харажатларни маҳсулот таннархига тақсимлаш методологиясини такомиллаштириш истикболлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 23-30-бетлар.

³ Джуманов С. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг замонавий усуллари амалиётга татбиқ этиш йўллари // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журналы. XI сон – ноябрь, 2025. 333-339-бетлар.

маҳсулотлар таннархининг ўртача 20-25 фоизини ташкил этмоқда. Фармацевтика маҳсулотлари таннархи таркибида бошқа харажат моддалари ўртача 10 фоизни ташкил этмоқда, бироқ ушбу харажатлар таркиби мавҳум бўлиб қолган. Шунинг учун, фармацевтика маҳсулотлари таннархига оид ҳисоб-китобларда ишлаб чиқариш харажатларини атрофлича кенгроқ ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан. Фармацевтика корхоналарида ушбу ҳисоб-китоблар бошқарув ходимлари учун муҳим ҳисоблансада, бироқ ҳисоботларнинг маҳсулот таннархининг шаклланишига оид ахборотлар қамровини торайтириб қўймоқда. Чунки, ушбу ҳисоб-китоблардан харажатлар ишлаб чиқаришнинг айнан қайси босқичида қанча миқдорда фармацевтика маҳсулотлари таннархига таъсир этаётганлигини аниқлаб бўлмайди. Хусусан, фармацевтика маҳсулотлари таннархи таркибида энг катта улушни ташкил этаётган материаллар бўйича харажатлар ишлаб чиқариш босқичининг ҳар бири жараёнига қандай тақсимланганлигини аниқлаш ва уларнинг улушини таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас. Шунингдек, фармацевтика корхоналарида ходимлар турли бўлимларда фаолият кўрсатади ва уларнинг вазифалари турлича бўлади. Айрим ходимлар фармацевтика маҳсулотлари асосий ишлаб чиқариш жараёнларига қатнашса, айримлари лаборатория синовларини ўтказиш жараёнида банд бўлган ходимлар ҳисобланади ва уларнинг иш ҳақи маҳсулот таннархига турли босқичларда олиб борилади. Шунинг учун, фармацевтика корхоналарида ушбу ходимларнинг иш ҳақи ва улар бўйича ижтимоий солиқга оид харажатларини қанча миқдорда фармацевтика маҳсулотлари таннархига таъсир этаётганлигини яққол кўрсатиб берувчи махсус ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган ушбу илмий-изланишлар давомида юқорида қайд этилган фармацевтика корхоналари бухгалтерия ҳисоби олдида турган долзарб масалалардан келиб чиқиб, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг таннархини шакллантириш тартибига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Корхонада ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари яқунлангандан кейин асосий ишлаб чиқариш жараёнлари бошланади. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига зарур бўлган материаллар ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар асосий ишлаб чиқариш бўлимига топширилади.

Фармацевтика корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнларига оид бухгалтерия ёзувлари қуйидаги жадвалда келтирилган хўжалик операциялари орқали ёритилган:

1-жадвал.

Фармацевтика корхонасида 2025 йил декабрда 60203 донга “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика маҳсулотини асосий ишлаб чиқариш жараёнларига оид хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттирилиши¹

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Хўжалик операцияларига бухгалтерия ёзувлари		Хўжалик операциялари миқдори, сўмда	Улуши, фоизда
		Дебет	Кредит		
1.	“Преформа 100 мл” ярим тайёр маҳсулоти асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилди	2010	2110	13 285 448	7,4
2.	“Л-аргинин субстанцияси” материали асосий омбордан асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилди	2010	1010	62 064 553	34,5
3.	“Флаконт ички қопқоғи” ярим тайёр маҳсулоти асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилди	2010	2110	16 726 013	9,3

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

4.	“Флаконт илгичи” ярим тайёр махсулоти асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилди	2010	2110	662 233	0,4
5.	“Дистилланган сув” ярим тайёр махсулоти асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилди	2010	2110	636 617	0,3
6.	Асосий ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	2010	6710	38 354 794	21,3
7.	Асосий ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ ҳисобланди	2010	6520	4 602 575	2,6
8.	Асосий ишлаб чиқариш жараёни бўйича коммунал тўловлари ҳисобланди	2010	6990	9 170 520	5,1
9.	Асосий ишлаб чиқариш жараёни бўйича асосий воситаларга амортизация ҳисобланди	2010	0220, 0230	18 403 603	10,2
10.	Асосий ишлаб чиқариш жараёни бўйича бошқа харажатлар амалга оширилди	2010	1030, 1090, 2510, 6990	15 888 916	8,8
11.	Асосий ишлаб чиқариш жараёни натижасида ишлаб чиқарилган фармацевтика махсулоти асосий омборга топширилди	2110	2010	179 795 272	100,0

Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш босқичларига оид келтирилган мазкур хўжалик операцияларига оид бухгалтерия ёзувларидан кўриш мумкинки, корхонада фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб ва ўзига хос жиҳатларга эга. Фармацевтика корхонаси маълумотларини таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, ҳисобот ойида жами 60203 дона “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика махсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, бунинг натижасида ушбу асосий ишлаб чиқариш жараёнларига оид 179795272 сўм харажат амалга оширилган. Жумладан, ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни натижасида ишлаб чиқарилган “Преформа 100 мл” ёрдамчи махсулот ҳар бир дона “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика махсулотига битта сарфланиши боис унинг 60203 донаси харажат сифатида тан олинади. Демак, мазкур ҳисобот ойида ишлаб чиқарилган ушбу фармацевтика махсулотининг асосий ишлаб чиқариш босқичидаги таннархи 2986,5 сўмни ташкил этмоқда.

Фармацевтика корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари якунига етгандан кейин ишлаб чиқариш жараёнлари тугасада, бироқ фармацевтика махсулотини сотиш учун ушбу жараёнлар кифоя қилмайди. Чунки, фармацевтика махсулотлари тайёр махсулотлар омборига кириш қилинганидан кейин ушбу махсулотларни оралиқ лаборатория синовларини ўтказиш жараёни амалга оширилади. Фармацевтика махсулотлари лаборатория синовларидан ўтгандан кейин эса, ушбу махсулотлар қадоқлаш жараёнларига топширилади. Манашу босқичларнинг барчасидан ўтгандан кейингина фармацевтика махсулотлари тайёр махсулот сифатида бухгалтерия ҳисобида тан олинади.

Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш босқичининг кейинги жараёнлари бухгалтерия ҳисобини қуйидаги жадвалда келтирилган хўжалик операциялари орқали акс эттирамиз:

2-жадвал.

Фармацевтика корхонасида 2025 йил декабрда 60203 дона “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика маҳсулотини оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнига оид хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттирилиши¹

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Хўжалик операцияларига бухгалтерия ёзувлари		Хўжалик операциялари миқдори, сўмда	Улуши, фоизда
		Дебет	Кредит		
1.	Фармацевтика маҳсулотлари асосий омбордан оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнига топширилди	2010	2110	179 795 272	82,2
2	Хом ашё ва материаллар оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнига топширилди	2010	1010	3 419 802	1,5
3.	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнида банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	2010	6710	12 803 699	5,9
4.	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнида банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ ҳисобланди	2010	6520	1 536 444	0,7
5.	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича коммунал тўловлари ҳисобланди	2010	6990	3 430 738	1,6
6.	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича асосий воситаларга амортизация ҳисобланди	2010	0220, 0230	8 609 330	3,9
7.	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича бошқа харажатлар амалга оширилди	2010	1090, 2510, 6990	9 218 544	4,2
8.	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни натижасида фармацевтика маҳсулоти асосий омборга топширилди	2110	2010	218 813 829	100,0

Фармацевтика корхоналарида оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни якунига етгандан кейин фармацевтика маҳсулотлари қадоқлаш жараёнига топширилади ва қуйидаги операциялар амалга оширилади:

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

3-жадвал.

Фармацевтика корхонасида 2025 йил декабрда 60203 дона “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика маҳсулотини қадоқлаш жараёнига оид хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс этирилиши¹

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Хўжалик операцияларига бухгалтерия ёзувлари		Хўжалик операциялари миқдори, сўмда	Улуши, фоизда
		Дебет	Кредит		
1.	Фармацевтика маҳсулотлари асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	2110	218 813 829	70,1
2.	“Индивидуал этикетка” материали асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	1010	1 576 814	0,5
3.	“Йўриқнома (инструкция)” материали асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	1010	5 720 926	1,8
4.	“Гофрокартон кутиси” материали асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	1010	4 176 092	1,3
5.	“Умумий этикетка” материали асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	1010	77 000	0,1
6.	“Полисер скочи” материали асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	1010	147 377	0,1
7.	“Пенал кутиси” материали асосий омбордан қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	1010	37 193 132	11,9
8.	“Маркировка коди” ярим тайёр маҳсулоти қадоқлаш жараёнига топширилди	2010	2110	14 128 387	4,5
9.	Қадоқлаш жараёнида банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	2010	6710	18 719 989	6,0
10.	Қадоқлаш жараёнида банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ ҳисобланди	2010	6520	2 246 399	0,7
11.	Қадоқлаш жараёни бўйича коммунал тўловлари ҳисобланди	2010	6990	2 039 840	0,6
12.	Қадоқлаш жараёни бўйича асосий воситаларга амортизация ҳисобланди	2010	0220, 0230	3 088 567	1,0
13.	Қадоқлаш жараёни бўйича бошқа харажатлар амалга оширилди	2010	1090, 2510, 6990	4 391 228	1,4
14.	Қадоқлаш жараёни натижасида фармацевтика маҳсулоти тайёр маҳсулот сифатида асосий омборга топширилди	2810	2010	312 319 580	100,0

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвал ҳисоб-китоб натижалари асосида кўриш мумкинки, қадоклаш жараёни бўйича амалга оширилган харажатлар таркиби ҳам фармацевтика корхоналарида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ушбу босқич ишлаб чиқариш босқичининг энг сўнггиси ҳисобланади. Фармацевтика корхонасида ишлаб чиқариш босқичи бўйича бизнес жараёнлари якунига етгандан кейин кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш харажатлари 312 319 580 сўмни ҳамда фармацевтика маҳсулоти таннархи эса, 5187,8 сўмни ташкил этган.

Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш босқичининг ҳар бири бўйича жараёнларни биз томонимиздан тавсия этилган тартибда босқичма-босқич бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг таннархини ҳар бир босқичларда тизимли равишда аниқлаш харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритишда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот ишимизда юқорида амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида фармацевтика корхоналарида тайёр маҳсулотлар таннархини бизнес жараёнлари бўйича тизимли равишда аниқлаш имкониятини берувчи янги ҳисобот шакли ишлаб чиқилди:

4-жадвал.

Фармацевтика корхонасида 2025 йил декабрда 60203 дона “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика маҳсулотининг таннархини аниқлаш бўйича тавсия этилган ҳисобот шакли¹

Жатлар таркиби	Ишлаб чиқариш босқичлари				Жами	У.ф
	Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни бўйича харажатлар	Асосий ишлаб чиқариш жараёни бўйича харажатлар	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар	Фармацевтика маҳсулотларини қадоклаш жараёни бўйича харажатлар		
ашё ва йаллар	26 551 144	62 064 553	3 419 802	48 891 341	140 926 840	
ақи ва ижтимоий	1 440 274	42 957 369	14 340 143	20 966 388	79 704 174	
унал тўловлари	2 191 722	9 170 520	3 430 738	2 039 840	16 832 820	
гизация атлари	407 034	18 403 603	8 609 330	3 088 567	30 508 534	
а харажатлар	720 137	15 888 916	9 218 544	4 391 228	30 218 825	
и харажатлар	31 310 311	148 484 961	39 018 557	79 377 364	298 191 193	1

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали кўриш мумкинки, қадоклаш жараёни таркибида “Маркировка коди” ярим тайёр маҳсулоти бўйича амалга оширилган 14128387 сўм харажат биз томонимиздан маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилиш бўйича ишлаб чиқилган мазкур ҳисобот шаклида киритилмади. Чунки, бизнинг фикримизча, маркировка коди рақамли маркировкалаш жараёнларига мансуб бўлиб, ушбу жараёнлар ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларига кирмайди, балки фармацевтика корхоналарида ушбу жараёнларга оид харажатлар давр харажатлари таркибида акс эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Шу боис, биз томонимиздан ишлаб чиқилган ҳисобот шаклида “Л-аргинин 42 мг/мл 100 мл” фармацевтика маҳсулотининг таннархи 4,5 фоизга пасайганлигини кўриш мумкин.

Биз томонимиздан тавсия этилган ушбу ҳисобот шакли фармацевтика корхоналарида бошқарув ходимларига харажатлар ва маҳсулот таннархига оид

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмасы.

ахборотларни тўлиқроқ етказиб беришга ҳамда ишлаб чиқариш босқичи бўйича харажатларни ҳар бир жараёнда таҳлил қилишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Мазкур илмий-изланишлар давомида шундай хулосаларга келиндики, фармацевтика тармоқларида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар томонидан ишлаб чиқариш босқичларига оид бизнес жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, жумладан ёрдамчи, асосий ишлаб чиқариш, оралиқ лаборатория синовларини ўтказиш ва фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш жараёнларига оид харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳар бир ишлаб чиқариш босқичларида фармацевтика маҳсулотлари таннархини аниқлаш ва уларни ҳисоботларда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади. Биз томонимиздан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари эса, айнан ушбу масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган бўлиб, фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнларига оид бухгалтерия ҳисобини илмий ва амалий томондан такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқаришга оид бизнес жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, мазкур тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари ёрдамчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёндан бошланади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича амалга оширилган харажатлар ёрдамчи маҳсулотлар таннарига олиб борилади ва асосий ишлаб чиқариш жараёнларига фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун топширилади. Фармацевтика корхоналарида оралиқ лаборатория синовларини ўтказиш ва фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш жараёнлари ҳам кетма-кетлик билан амалга оширилади ва якуний босқичда фармацевтика маҳсулотининг таннари шаклланади.

Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларига оид ахборотларни бухгалтерия ҳисоботида акс эттириш бўйича янги ҳисобот шакли ишлаб чиқилди. Биз томонимиздан тавсия этилган мазкур ҳисобот шакли фармацевтика маҳсулотлари таннарини бизнес жараёнларининг ҳар бир босқичи бўйича алоҳида ҳисоб-китоб қилиш орқали уларнинг таннарини аниқлашга, харажатларни таҳлил қилишга, фармацевтика корхоналарида харажатларни бошқаришни енгиллаштиришга ҳамда ҳисоботларнинг шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Илмий-изланишларимиз давомида биз томонимиздан эришилган ушбу натижалар фармацевтика корхоналарида асосий фаолиятга оид харажатлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2024 йил 27 декабрь. ПФ-229.
2. 2-son BNXS “Zaxiralar”
3. Менгликулов Б.Ю. Сут чорвачилигида маҳсулот таннарини калькуляция қилишга услубий ёндашувлар // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. 20-27-бетлар.
4. Абдусаломова Н. Б. Қора металлургия саноати корхоналарида маҳсулот таннарини калькуляция қилишни такомиллаштириш йўналишлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, март-апрель, 2019 йил. 1-8-бетлар.
5. Махмудов А.Н. Саноат корхоналарида харажатларни маҳсулот таннарига тақсимлаш методологиясини такомиллаштириш истикболлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 23-30-бетлар.
6. Джуманов С. Маҳсулот таннарини калькуляция қилишнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш йўллари // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий-электрон журнали. XI сон – ноябрь, 2025. 333-339-бетлар.

7. Вахрушина М.А. Парадигма бухгалтерского учета и отчетности в условиях глобальной экономики: проблемы России и пути их решения. Международный бухгалтерский учет. 2014. № 25. С. 38-46.

8. Головина Т.А. Управленческий учет и анализ на предприятиях мясной и молочной промышленности при переходе на международные стандарты финансовой отчетности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Орел.: 2004. 28-с.

9. Ивашкевич В.Б., Бухгалтерский управленческий учет: Учебник.— 3, перераб. и доп. — Москва ; Москва : Издательство "Магистр": ООО "Научно-издательский центр ИНФРА-М", 2015 .— 448 с. — ISBN 978-5- 9776-0362-1 .— <Внешний ресурс>. 116-с.

10. Кондраков И.Г. Бухгалтерский управленческий учет: Учебное пособие. -2, перераб. и доп. -Нальчик : ООО "Научно-издательский центр ИНФРА-М", 2015 .— 352 с. .— ISBN 978-5-16-005040-9. —“Внешний ресурс”.

11. Медведев М.Ю. Бухгалтерский академический словарь: более 3500 терминов / М.Ю. Медведев.— М. : Моск. финанс.-пром. акад., 2011 .— 656 с. .— ISBN 978-5-4257-0001-8.

12. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. —Т.: “Ўқитувчи”. - 2004, 306 б, 120-бет.

13. Karimov A.A. Buxgalteriya hisobi. Darslik. —Т.: “Sharq” -2004, 592 bet. 74-bet.

14. Аликулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. —Т.: “Fan va texnologiya”. -2011, 188 б., 16-бет.

15. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1. 124-бет.

16. Boronov B.F. Improving the Cost of Oil and Fat Products in Accordance with International Standards. // Journal of Economy and Entrepreneurship. ISSN: 1999-2300, Vol. 17, Nom. 1. P.1410-1414

17. Боронов Б.Ф. Ёғ-мой саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш босқичлари таснифи. // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2022. - № 5. 247-253-бетлар.

18. Боронов Б.Ф., Ахмедов М.А., and Худайназарова Д.Г.. "Корхоналарда даромадлар ва харажатларни бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш масалалари" Экономика и социум, no. 3-2 (118), 2024, pp. 547-556.

19. Маматқулов М.Ш. Коммунал хизмат кўрсатиш тизими корхоналарида бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. .Т.: 2021 й., 254-б.